ИНТЕГРАЛ ТАЪЛИМДА ТЕХНОЛОГИЯЛАР

З. АЗИМОВА, М. ЖЎРАЕВА

В данной статье рассмотрены технологии интегрированного обучения, типы и формы интегрированных уроков, а также приведены разработки отдельных интегрированных занятий.

In this article was considered the technology integrated education, types and forms integrated lessons, and also bringing up the development separate integrated activities.

Инсоният юксак ривожланган техника ва ахборот технологиялари асрига қадам қўйди. Шунга кўра ўқувчи-ёшлар мураккаб тизимдаги техника ва технологиялар билан муомала қилиб, катта ҳажмдаги ахборотлар оқимидан ўринли фойдаланишга масъулият билан ёндашадиган, ҳар томонлама чуқур билим ва малакага эга бўлишлари зарур. Лекин ҳар томонлама мустаҳкам билимлар тизимига эга бўлган ўқувчи-ёшларни тарбиялаш муҳим педагогик муаммо бўлиб қолмоқда. Мазкур муаммони ҳал этишда таълимни ташкил қилиш шакл ва воситалари ҳамда методларини интеграциялаб ўқитиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларнинг 70 фоизи таълим тизимида интегратив дастур ва дарсликлардан фойдаланмоқдалар.

Замон талабларига кўра, ривожланган мамлакатларнинг иш тажрибасига таяниб, аниқ ва табиий фанларни интеграци-

ялаб ўқитиш муаммосини бартараф этиш борасида анчагина ишлар қилинди. Ушбу йўлдаги уринишларга биз тавсия қилаётган интеграл технологияларимиз сезиларли таъсир қилади. Муаммонинг ижобий ҳал этилиши ўқувчиларни ортиқча юкламадан озод этади, оламни яхлит ҳолда англашга, ундаги воқеа ва ҳодисалар моҳиятини комплекс ўрганишга, бир бутун мукаммал билимлар тизимини таркиб топтиришга, баркамол шахснинг шаклланишига имкон беради.

Фанларни ўқитиш методикасида ҳал қилиниши керак бўлган бир қанча муаммолар йиғилиб қолди. Улар орасида билимларнинг тарқоқ тизимини интеграциялаш (бир бутун ҳолга келтириш), таълимни ташкил қилиш шакл ва воситалари ҳамда методларини янгилаш муаммолари бор.

Бу муаммо янги педагогик технологияларни ишлаб чиқиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш билан чамбарчас боғлиқ. Таълимни янгилаш ўқитишни ташкил этишнинг ноанъанавий метод ва шаклларидан, жумладан, интегратив методлардан фойдаланишни талаб этади. Интегратив методлардан фойдаланиш натижасида болаларда борлиқ оламни тўлиқ англаш хусусияти пайдо бўлади, ўқитишда айнан фаолиятли ёндашув шаклланадики, бу ҳақда жуда кўп гапирилмоқда. Шунингдек, таълим амалиётида кенг тарқалган иллюстратив-изоҳлаш ва репродуктив методларгагина суяниш ҳам мумкин эмас.

Интеграция бизнинг тушунчамизда нафақат предметлар бўйича билимларнинг ўзаро алоқаси нуқтаи назардан, балки таълим шакллари, методлари ва технологияларини интеграллаш сифатида ҳам олиб қаралади. Педагогик фаолият – бу меъёр ва ижоднинг, фан ва санъатнинг қоришиб кетишидир. Шунинг учун ҳам интеграллашда ўқув фаолиятидаги мавжуд усулларни тўғри бирлаштириш муҳимдир. Демакки, муваффақият ва таълимнинг натижаси юқоридагиларга боғлиқ.

Шундай қилиб, ўқитувчи касбий фаолиятида изланиш учун, педагогик ижод учун ҳамиша кенг имкониятлар мавжуд ва бу энди анъанавий методика даражасида эмас, балки предметлар бўйича билимларни ва таълим технологияларини интеграциялаш даражасида намоён бўлади.

Қуйида биз интеграллашган дарсларнинг шакл ва турларини кўриб чиқамиз, шунингдек, айрим интеграллашган дарслар ишланмаларидан мисоллар келтирамиз.

Бу таълим жараёнида педагог ва ўқувчи фаолиятини баҳолаш ҳамда назорат қилишда катта аҳамиятга эга.

Интеграллашган дарсларнинг турлари ва шакллари

Дарс тури: янги билимлар ҳосил қилиш дарси

Янги билимлар ҳосил қилиш дарси қуйидаги **шаклларда** лойиҳаланади:

- маъруза дарс,
- саёҳат дарс,
- тадқиқот дарс,
- инсценировка дарс,
- ўқув конференцияси,
- сайр дарс,
- мультимедия дарс,
- муаммоли дарс.

Дарсларнинг тузилиши қуйидаги босқичларни бирлаштиради: ташкилий қисм, мақсаднинг қўйилиши, билиш эҳтиёжини актуаллаштириш, янги билимларни тақдим этиш, дастлабки мустаҳкамлаш ва билимларни тизимли умумлаштириш, ўқишга якун ясаш, уй вазифаси ва уни бажариш бўйича йўриқномалар бериш.

Билимлар ҳосил қилиш дарсининг **мақсади** – ўқувчилар томонидан ўқув дастурида кўзда тутилган тушунчалар ва илмий фактларни ўзлаштириш бўйича иш ташкил қилиш.

Вазифалар:

- таълимий вазифалари: таништириш; тасаввур уйғотиш; карталар, схемаларни ўқиш ва таҳлил қилишни ўргатиш; билим фаолиятини кучайтириш; типик хусусиятларни очиш ва ҳ.к.;
- тарбиявий вазифалар: Ватанга муҳаббат ҳиссини, ўз юрти учун фахр туйғусини тарбиялаш; экологик маданиятни шакллантириш, эстетик тарбия ва ҳ.к.;
- ривожлантирувчи вазифалар: таҳлил қилиш, таққослаш, қиёслаш, асосий нарсани ажрата олиш, сабаб-оқибат алоқасини белгилаш, мисоллар келтиришни давом эттириш, адабиёт, карталар, жадваллар, схемалар ва бошқалар билан ишлаш кўникмаларини ҳосил қилиш.

Анъанавий ва замонавий дарсларни ажрата билиш керак.

Анъанавий дарс умумтаълим вазифаларини ҳал қилади - ўқувчиларни билимлар билан қуроллантиради ва у тушунтириш-иллюстратив методи асосида қурилади. Бундай дарсда кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланилади, кўрганларни кузатиш ва тасвирлаш ташкил этилади.

Таълимнинг турли методлари ва воситалари бирлиги асосига қурилган билимлар ҳосил қилишнинг **замонавий дарси** комплекс вазифаларни ҳал қилади. Таълимнинг тушунтириш-иллюстратив методидан ҳам, қисман, изланиш, тадқиқот методларидан ҳам, баҳс-мунозара, билимларнинг турли манбалари (теледастурлар, кинолавҳалар, магнит ёзувлари, мультимедия курслари, интернет-технологиялар, таълим ва назоратнинг бошқа техник воситалари)дан фойдаланади. Шунингдек, турли иш шаклларидан ҳам кенг фойдаланади: гуруҳ, фронтал, звено, жуфт, индивидуал шакллар.

Бундай дарсларда билим орттириш вазифаларини ҳал этишда ижодий салоҳиятни ишга солишга ундаш учун катта имконият яратилади, бир сўз билан айтганда, ўқувчи шахсининг тўла ривожланиши учун шароитлар яратилади.

Шунингдек, янги билимлар ҳосил қилиш дарсининг турлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- **билимларни ҳосил қилиш ва ривожлантириш дарслари,**
- **билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш дарслари,**
- **янги муаммоли (тасаввурни) ҳиссиётни шакллантириш дарслари.**

Буларга санаб ўтилган дарс шаклларидан семинар, якуний конференция, якуний саёҳатни қўшиш мумкин.

Дарс тури: билим ва кўникмаларга ўргатиш дарси.

Билим ва кўникмаларга ўргатиш дарси қуйидаги шаклларни кўзда тутади:

- практикум дарс,
- иншо дарс,
- диалог дарс,
- ролли ёки айланма ўйин дарси,
- қурама ёки комбинациялашган дарс (аралаш дарс),
- саёҳат;
- экспедиция ва ҳ.к.

Дарс тузилиши қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: ташкилий қисм, мақсаднинг қўйилиши, уй вазифасини текшириш ва билиш эҳтиёжини актуаллаштириш, стандарт турдаги, сўнгра реконструктив-вариатив турдаги ҳамда ижодий турдаги билим ва кўникмаларнинг шаклланганлигини назорат қилиш, уй вазифасини аниқлаш.

Аввал ўқувчилар билим ва кўникмаларни қайта тиклаш фаолияти билан шуғулланади. Кейин умумлашган кўникма ва билимларни ҳамда фаолият усулларини янги шароитга кўчириш унсурларини эгаллашни талаб этадиган вазифаларни бажарадилар. Бу босқичда таълимнинг дифференциялашган-гуруҳ шакли қўлланади. Дарс охирида эса ижодий фаолият амалга оширилади.

Бу гуруҳда дарснинг **мақсади** - ўқувчиларда ўқув дастурида кўзда тутилган муайян малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш.

Вазифалар:

- таълимий вазифалари: таништириш; тасаввур уйғотиш; уқув ҳосил қилиш усулларини эгаллашни ўргатиш; билимни чуқурлаштириш;
- тарбиявий вазифалар: ижтимоий ролни кўрсатиш; фаол амалий ҳаракатга (фаолиятга) жалб этиш; табиат ва уни муҳофаза қилиш маданиятини, экологик онгни тарбиялашга кўмаклашиш, она юртни севиш ҳиссини тарбиялашнинг объектив асосини яратиш; мулоқот кўникмаларини такомиллаштириш;
- ривожлантирувчи вазифалар: қўшимча адабиёт ва бошқа ахборот манбалари билан ишлашни, докладлар тайёрлашни, аудитория олдида чиқиш қилишни, танқидий фикрлашни шакллантиришни, таҳлил қилиш маҳоратини, умумлаштириш ва хулосалар қилишни ўргатишдан иборат.

Малака ва кўникмаларни ҳосил қилиш дарсида асосий билим манбалари сифатида дарсликлардан, масалалар тўплами, дидактик ва тарқатма материаллар тўпламларидан, мультимедиа ва интернет технологияларидан фойдаланилади. Ўқитувчи ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини бошқара бориб, рағбатлантириш ва тезкор назорат методларидан кенг фойдаланади. Бу ерда ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини юқори самарадорлик билан ташкил этишга ёрдам берувчи дарснинг мувофиқлаштирувчи ва назорат функциялари ишга солинади. Бу дарс тури таълимни кенг дифференциялашни амалга оширишга имкон беради. Ўқувчилар топшириқни ўқув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда бажаради ва шу туфайли мақсад сари юқори суратда одимлайди.

Дарс тузилиши ўқувчиларга жуфт, гуруҳ ва индивидуал ишнинг ҳар хил турларига қўшилиш имконини берадики, улар дарс вақтининг катта қисмини банд этади. Бу дарс жуда катта тарбиявий имкониятга эга бўлиб, у нафақат ўқув материали ғоявий мазмунидан самарали фойдаланиш ҳисобига, балки рационал мулоқот ва жамоавий ишни ташкил этиш ҳисобига ҳам ишга солинади ва бу жараён давомида ўқувчиларнинг бир-бирига ғамхўрлик қилиши, ёрдам кўрсатиши ва қўллаб-қувватлашининг намоён бўлиши учун шароитлар яратилади. Бу ўринда амалга оширилган ўзаро назорат, ўз-ўзини назорат қилишнинг ривожланишига ёрдам беради. Ривожлантирувчи вазифалар шунда ҳал қилинади.

Билим, кўникма ва малакаларни такомиллаштириш дарси билимларни мустаҳкамлаш бўғинларининг бирлашишини тақозо этади. Бу дарсда ўқувчилар аввалги билимларига суяниб, уларни ривожлантиради, турли вазиятларда уларни қўллашни ўрганади. Уларда билимларни англаш, маҳорат ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни кечади.

Бундай дарсларда таълимнинг амалий методлари ҳукмронлик қилади, билиш фаолияти характерига кўра эса афзаллик қисман изланиш, репродуктив методларга берилади.

Ўқитувчининг фаолияти ўзига хос бўлади: у ўқувчиларнинг ишини аввалдан режалаштириб олиб, тезкор назоратни амалга оширади, ёрдам кўрсатади, қўллаб-қувватлайди ва уларнинг фаолиятига тузатишлар киритади.

Дарс тури: билимларни амалда қўллаш.

Бу турдаги дарсларнинг асосий шакллари:

- айланма ва амалий ўйинлар,
- практикумлар,
- лойиҳаларни ҳимоя қилиш дарси,
- саёҳат,
- экспедиция ва ҳ.к.

Дарс тузилиши қуйидаги босқичларни кўзда тутади: ташкилий қисм, мақсаднинг қўйилиши, уй вазифасини текшириш ва билиш эҳтиёжини актуаллаштириш, амалий вазифаларни бажаришда билим, малака ва кўникмаларни ишга солиш. Бу дарсда ўқувчилар аввал орттирган билимларига асосланиб, амалий фаолият билан шуғулланадилар. Аввал уй вазифасининг бажарилиши текширилади, сўнг билиш эҳтиёжини актуаллаштириш мақсадида назарий материал кўриб чиқилади. Шундан кейин ўқувчилар аниқ ифодаланган амалий аҳамиятга эга бўлган конструктив топшириқларни бажаришга киришадилар.

Масалан, экскурсиядан олинган материалларга таяниб ўқувчилар мактаб томорқасига алмашлаб экишни жорий этиш схемасини тузади. Аниқ иқтисодиёт масалаларини ўргана бориб, саноат корхоналарининг маҳсулот ҳажмини кўпайтириш бўйича тадбирлар режасини ишлаб чиқади, иқтисодиёт қонунларига суяниб иқтисодий ривожланиш дастурини тузади ва ҳок. Бу ерда таълимнинг ҳаёт билан алоқа принципини амалга ошириш, турли соҳа ва предметларни интеграциялаш учун кенг имкониятлар берилади.

Бу турдаги дарснинг **мақсади** - билимларни амалда қўллаш.

Вазифалар:

- таълимий вазифалари: олинган билимларни амалиётда қўллашни ўрганиш; мавжуд имкониятларни конкрет вазиятда

ишга сола билиш, ўқув материаллари билан ишлаш кўникма ва малакаларини мустаҳкамлаш; ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишни ўргатиш; муаммоларни ажрата олиш кўникма ва малакасини мустаҳкамлаш;

• тарбиявий вазифалар: актив фаолиятга жалб қилиш; маданиятни, жумладан, экологик маданиятни шаклллантириш, ўқувчиларда инсонпарвар шахс сифатини шаклллантириш; мулоқот кўникмаларини такомиллаштириш;

• ривожлантирувчи вазифалар: билим манбалари билан ишлаш малакасини такомиллаштириш, таҳлил қилиш, туркумлаштириш кўникмаларини такомиллаштириш ва ҳ.к.; чиқишлар қилиш ва ўз нуқтаи назарини ҳимоя қилишни билиш; ижодий қобилиятларни ривожлантириш, гуруҳларда ишлашнинг коммуникатив кўникмаларини ривожлантириш; атрофдаги ҳаётни билишга қизиқишни орттириш.

Билимларни амалда қўллаш дарслари жуфт, фронтал, гуруҳ бўлиб ишлаш ва индивидуал ишнинг бирлиги асосига қурилади. Ўқувчиларнинг жамоавий ишларнинг ҳар хил турларига киришиши шахсда инсонпарварлик сифатларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Ижодий характердаги вазифаларни ҳал этиш асосида ривожланаётган ўқув фаолияти уларнинг самарали ривожланишига ёрдам беради.

Бу дарсларда болалар назарий билимларини сафарбар қила бориб экспериментал, тадқиқот, изланувчанлик ва қисман-изланувчанлик фаолиятига киришади. Уларнинг юқори даражада ривожлантирувчи роли мана шунда. Болаларда илмий қарашлар, яхлит дунёқараш шаклланади.

Дарс тури: билимларни такрорлаш, тизимлаштириш ва умумлаштириш малакаларини мустаҳкамлаш.

Бу дарс тури предметлараро алоқаларни ишга солиш ва интеграциялашнинг жуда катта имкониятларига эга.

Бу турдаги дарснинг шакллари:

- такрорлаш-умумлаштириш дарси,
- баҳс,
- ўйин (қувноқлар ва зукколар клуби, Бахтли воқеа, Мўжизалар майдони, танлов, викторина),
- театрлаштирилган дарс (суд-дарс),
- мукаммаллашиш дарси,
- якуний конференция,
- якуний саёҳат,
- маслаҳат дарс,
- назорат ишларни таҳлил қилиш дарси,
- шарҳловчи маъруза,
- шарҳловчи конференция,
- суҳбат дарс.

Дарснинг тузилиши қуйидаги босқичларнинг бирлигига асосланади: ташкилий қисм, мақсаднинг қўйилиши, билим ва фаолият усулларини стандарт ва ностандарт вазиятларда ишга солиш, якун ясаш ва хулосалар чиқариш, уй вазифасини бериш ва тушунтириш.

Мақсад - билимларни янада чуқурроқ ўзлаштириш, умумлаштириш ва тизимлаштиришнинг юқори даражасига эришиш.

Бундай дарслар дастурдаги катта мавзуларни ўрганишда ёки чорак, йил охирида ўтказилади. Булар қаторига якуний дарсларни киритиш мумкин.

Вазифалар:

- таълимий вазифалари: аввалги дарсларда мавзу бўйича олинган билим ва малакаларни эгаллаш даражаси ва сифатини аниқлаш, материални билимлар тизими сифатида умумлаштириш;

- тарбиявий вазифалар: умумий маданиятни, борлиқни эстетик идрок этишни тарбиялаш; ўқувчиларнинг ўз-ўзини реал баҳолай олиши, ўзини шахс сифатида кўра билиши учун шароитлар яратиш;

- ривожлантирувчи вазифалар: кенг даражада фикрлашни, классификациялаш, алоқаларни аниқлаш, хулосалар чиқариш малакаларини ривожлантириш; гуруҳлар билан ишлашда коммуникатив билишга қизиқишни ривожлантириш, ўзига хос хусусиятларни, қонуниятларни, таҳлил қилиш, таққослаш, қиёслаш ва ҳ.к.ларни тушунтира билиш қобилиятини ривожлантириш.

Билимларни такрорлаш ва тизимлаштириш дарсида ўқувчилар ҳар хил фаолият турларига киришади. Суҳбатлар, баҳс-мунозаралар, лаборатория ишлари ўтказилади, топшириқларни бажариш, масалалар ечиш амалда синаб кўрилади. Бу дарсларда суҳбат билан бир қаторда ўқувчиларнинг қисқа хабарлари, кўриб чиқилаётган масалага оид айрим мақолалар, китобларга оғзаки тақризлар билан чиқиш қилиш қўлланилади.

Дарснинг самарадорлиги унда ўқувчиларнинг репродуктив-изланиш, қисман-изланиш, ижодий фаолиятининг ҳар хил турларидан қанчалик кенг фойдаланишларига боғлиқ бўлади. Агар оддий такрорий фаолият афзал кўрилса, дарс ўз мақсадига эришмайди. Ўқитувчи аввал ўрганилган материалга янгича қарашга имкон берадиган ижодий характердаги топшириқларни тайёрлайди. Бу ўринда билимларни кўчириш, жамлаш ва тизимлаштиришга имкон берадиган предметлараро алоқалардан қанчалик кенг фойдаланилса, ривожлантирувчи функция шунчалик муваффақиятли амалга ошади.

Билимларни такрорлаш ва умумлаштириш дарси ўқув ишларининг гуруҳ шаклини қўллашга имкон беради. Аввал ўрганилган материалнинг турли масалаларини тўлиқ ёритиш мақсадида ҳар хил гуруҳ ўқувчилари турли топшириқларни бажаришга киришишлари мумкин. Ўқув ишлари бундай ташкил этилганда, ўқувчилар ўқув ишлари жамоавий шаклларининг афзаллигига ишонч ҳосил қилишади. Бу дарсларда билимлар тикланади, билганларни унутишга чек қўйилади. Уларнинг ривожлантирувчи функцияси материални таҳлил қилиш, тизимлаштириш усуллари орқали намоён бўлади. Тарбиявий вазифалар нафақат ўқув материалининг мазмуни, методлари орқали, балки ўқувчиларнинг жамоавий фаолиятини ташкил этиш орқали ҳал этилади.

Дарс тури: билим ва кўникмаларни назорат қилиш ва такрорлаш дарси.

Дарсларда тезкор назорат мунтазам амалга оширилади, аммо тўлиқ назорат учун махсус дарслар белгиланади.

Дарс шакллари:

- синов дарс.
- викторина,

- танловлар,
- билимлар кўриги,
- ижодий ишлар, лойиҳаларни ҳимоя қилиш,
- ижодий ҳисобот,
- назорат иши,
- суҳбат.

Билим ва кўникмаларни назорат қилиш дарсининг **мақсади** – таълим назоратини амалга ошириш, билимларни тизимлаштиришни давом эттириш, материални ўзлаштириш, малака ва кўникмаларнинг шаклланганлик даражасини аниқлаш.

Вазифалар:

- таълимий вазифалари: дарслардаги мавзулардан олинган билим ва кўникмаларни эгаллаш даражаси ва сифатини аниқлаш; материални билимлар тизими сифатида умумлаштириш; ижодий, фикран ва мустақил фаолият олиб бориш қобилиятини текшириш, тест топшириқлари билан ишлаш малакасини мустаҳкамлаш;

- тарбиявий вазифалар: ўқишга масъулият билан ёндашишни шакллантиришга, топшириқларни хатосиз бажаришга ва кучларни сафарбар қилишга ёрдам бериш; уларни бажаришда катта фаоллик кўрсатиш; ўқув меҳнати маданиятини, мустақил таълим кўникмаларини, вақтни тежамкорлик билан сарфлашни тарбиялаш;

- ривожлантирувчи вазифалар: мантиқий фикрлашни, хотирани, анализ ва синтез қилиш қобилиятини кучайтириш; ўз-ўзини назорат қилиш, жамоада ишлаш (жамоавий ишдан фойдаланишда) кўникмаларини шакллантириш.

Ўқув иши шаклларидан фойдаланишдан келиб чиққан ҳолда дарсларни билимлар, кўникма ва малакаларни комплекс, оғзаки ва ёзма назорат қилиш, шунингдек, электрон дарсликлар ва қўлланмалар бўйича дастурлашган дарсларни назорат қилиш дарсларига ажратилади. Бу турдаги дарслар тузилишининг ҳар бирига мухтасар тўхталамиз.

Билимларни оғзаки назорат қилиш дарси:

Тузилиши: ташкилий босқич, мақсаднинг қўйилиши, билимларни ўзлаштиришни текшириш, кўникма ва малакаларни, билимларни умумлаштириш ва тизимлаштиришни, ўқувчилар фаолиятини баҳолашни, уй вазифасини белгилашни текшириш.

Бу дарслар ўқув ишининг турли шакллари бирлиги асосига қурилади. Фронтал ва индивидуал сўров бўлиши ҳам мумкин. Таълимнинг жуфт шаклидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлиб, унда ўқувчилар бир-бирлари билан ўзаро саволжавоб қилишади. Ҳар бир ўқувчи томонидан материалнинг ўзлаштирилишини индивидуал текшириш жараёнида ўқитувчи ўқувчиларнинг ўз билимлари, малака ва кўникмаларини баҳолашига тузатишлар киритади.

Билимларни ёзма назорат қилиш дарси.

Тузилиши: ташкилий босқич, мақсаднинг қўйилиши, назорат топшириқларни бажариш бўйича ўқувчиларнинг фаолияти.Бу дарслар ўқув ишининг индивидуал ёки индивидуаллашган шакли ёхуд уларнинг бирлиги асосига қурилади. Баъзи бир дарсларда ўқувчилар яхлит (бир хил) топшириқларни индивидуал бажаради. Кўп ҳолларда ўқитувчи ўқувчиларга махсус карточкаларда индивидуаллашган топшириқлар беради.

Билимларни комплекс назорат қилиш дарси.

Улар ўқув иш шаклининг ранг-баранг бирлиги асосига қурилади. Аввал айрим ўқувчиларнинг билим даражасини аниқлашга, бутун синф томонидан ўқув материали қандай ўзлаштирилгани ҳақида тасаввур ҳосил қилишга имкон берувчи фронтал сўров ўтказилади. Сўнгра жуфтларнинг ўзаро савол-жавобини ўтказиш мумкин. Бундай иш чоғида ўқувчилар айрим саволларнинг ўзлаштирилишини ўзаро текшириб олишлари ва синф олдида жавоб беришга тайёрланиб олишлари мумкин.

Таълимнинг дифференциал-гуруҳ шакли ўқувчилар гуруҳларига назорат саволларини уларнинг ўқув имкониятларини ҳисобга олган ҳолда беришга имкон яратади. Бир қатор ҳолларда ўқув ишининг индивидуал шаклига мурожаат қилиб, баъзи бир ўқувчилар томонидан ўқув материали қай даражада ўзлаштирилганлиги аниқлаб олинади. Индивидуаллашган гуруҳ шакли қўлланиши ҳам мумкинки, унда топшириқ уч-бешта ўқувчига берилади, синфнинг асосий қисми билан ўқитувчи фронтал суҳбат ва ҳ.к. олиб боради.

Интеграллашган таълимда билимлар, кўникма ва малакаларни назорат қилиш дарслари фан ўқитувчиларнинг қизикарли топшириқлар тузиш бўйича алоҳида ҳамкорлигини талаб қиладики, бу топшириқлар кўрилаётган масалаларнинг ҳаёт билан яқин алоқада бўлишини кўзда тутсин, ўқувчилар эса натижада билимларнинг яхлитлигини, уларнинг комплекслигини ва атроф олам-даги муайян муаммоларни ҳал этишда ўзаро алоқаларини кўрсин.

Дарс тури: комбинациялашган дарс

Комбинациялашган дарс ўқув жараёнининг мантиқий боғланмаган бўғинлари бирлиги асосига қурилади. Унинг ўзига хослиги шунда. Бу дарсда назорат, билимларни шакллантириш, билимларни мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, кўникма ва малакалар ҳ.к. ҳосил қилиш, таълим натижаларини чиқариш, уй вазифаларини белгилаш ўзаро қўшилиши мумкин.

Комбинациялашган дарсларни интеграллашган шаклда ўтиш қийин, бу керак ҳам эмас, чунки қоидага кўра комбинациялашган дарсда янги материалларнинг кичик бир ҳажми кўзда тутилган бўлиб, кўп вақт такрорлаш ва назоратга ажратилади. Интеграллашган таълим дарсида жуда катта ахборот блокини ёки бирон-бир интеграл муаммони ҳал қилиш юзасидан мустақил иш кўзда тутилади.

Материални кичик блокларда ўрганиш билимлар тизимини шакллантиришга олиб бормайди, асосий нарсани ажратиш, билимларни йиғиш ва улашиш малакасини суст ривожлантиради. Материални онгли чуқур ўзлаштириш жараёни секинлашади. Интеграллашган таълимда дарсларнинг бундай тузилиши ўқувчиларнинг самарали ўқув фаолиятини ташкил этишга тўсқинлик қилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев Р.Ҳ., Умронхўжаев А. Интеграция - янги сифат. // Узлуксиз таълим.- 2002.- №1.

2. Приоритеты современной педагогики / Под ред. Э.С. Соколовой.- М., 1998.
3. Сафарова Р.Ғ. Таълим мазмунини интеграциялаш муаммолари. / Маърифат.- 2003.- 13 август.
4. Фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик шарт-шароитлари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: ЎзПФИТИ. 2007.

Андижон давлат университети
2011 йил 19 апрелда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Т.Х.Ҳасанов)